
ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИНИНГ “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАСИ

Тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги оилавий поликлиникаларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни” маҳаллабай” ташкил қилиш чоралари тўғрисида”ги буйруғини ижросини таъминлаш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди. 1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг маҳаллалар кесимида олиб бориш; 2. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишга “маҳаллабай” ёндашувидан асосий мақсад аҳолига тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда манзилли ва мақсадли режаларини белгилаш ҳамда уларнинг ижроси самарадорлигини аниқ ва объектив баҳолашдир; 3. Ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари ўз тасарруфидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида қуйидаги вазифалар бажарилишини таъминлайди: а) Маҳалла тиббий бригадалар (МТБ) фаолияти шакллантирилган: маҳалланинг аҳоли сонидан келиб чиқиб, ҳар 2000 аҳолига бир оилавий шифокор (ОШ) ҳисобидан МТБ таркибида биттадан бир нечтагача ОШ ва учтадан бир нечтагача патронаж хамширалар бўлиши мумкин. б) МТБ бўйича муассасада ва МФЙда маълумотлар тахтаси шакллантирилган; в) Маҳаллаларда тиббиёт бурчаги ташкил қилинган; г) Хатлов-антропометрия натжалари ва хавф гуруҳлари маҳаллабай расмийлаштирилган: Маҳалла аҳолисининг саломатлик ва касалланиш ҳолати натижаларидан келиб чиқиб, аҳоли хавф гуруҳларига ажратилади. Барча маълумотлар хонадонлар кесимида таҳлил қилиб борилади. Ёзёвон туман аҳолисини сонидан келиб чиқиб, ташкил қилинган бригадаларининг асосий мақсади хатлов натижасида аниқланган сурункали касаллик, ортиқча вазн, семизлик, кам вазнлик, касалликлар кесимида 4-гуруҳларга ажратиб олиниб, ҳар бир гуруҳлар билан алоҳида иш олиб борилади. Туман ҳудудида 33 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, тиббиёт бирлашмаси томонидан 47 та маҳаллабай ишлаш учун бригадалар ташкил этилган. Ҳар бир бригада 3 нафар тиббиёт ходими 1 нафар оила шифокори 2 нафар оила хамширасидан ташкил топган. Ҳар бир МФЙда бригадаларни таркиби бўйича деворий баннер қилиниб у бригада ҳақида тўлиқ маълумотни кўриш мумкин.

О.ТУРДИЕВ, Ёзёвон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи. ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-04-14 17:55:15